



“АВЕСТО” ДА ОДОБ-АХЛОҚ, ИЛМ ОЛИШ ВА КАСБ ТАНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Чирчиқ шаҳар 1-сон техникуми

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

Ф.О.Расулова

Аннотация:

“Авесто” ҳақида, унда кўтарилган одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, инсоний ҳислатлардан кечиримлилик, бағрикенглик, хушхулқлик ва бошқа фазилатларни ва уларни ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида, инсонпарварлик масалаларининг ёритилиши ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириш. Инсонларда касб-хунар эгаллашнинг аҳамияти, “Хунар-хунардан ризқинг унар!” мақолининг мазмунини тушуниш, сингдириш ва маълумотларини етказиш.

Калит сўзлар:

“Авесто” , одоб-ахлоқ масалалари, яхшилик, ёмонлик, эзгулик, бағрикенглик,

Инсонпарварлик, унумдорлик худоси Анахита, Митра, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал.

Марказий Осиё халқларининг энг буюк маданий муваффақиятларидан бир ёзувнинг ихтиро этилганидир. Бу ерда ёзувнинг тарихи жуда жуда қадим замонлардан бошланган. Мил.ав. биринчи минг йиллик ўрталарида масканиимзда оромий ёзуви кенг тарқалган. Оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Сўғд, Кушон, Ўрхун-Енисей, уйғур ёзувлари вужудга келди. Ёзувнинг ихтиро қилиниши, инсон билим доираси ва



дунёқараши кенгайиши ва чуқурлашиб боришига хизмат қилган. Марказий осиеда яшаган авлод-аждодларимизнинг фалсафий фикрлари хақида қимматли маълумотларга эга бўлишимизда «Авесто», «Бехистун», «Бундахишн» сингари ёзма ёдгорликлар муҳим аҳамиятга эга.

Милоддан аввалги V минг йилликда, минтақамизнинг марказий ва шимолий районларида эса милоддан аввалги III минг йилликда кишлок хўжалиги билан бирга ҳунармандчилик, кончилик, мис ва темир эритиш, металлдан ҳар-хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш, кemasозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ҳам тараққий эта бошлаган. Сўғдиёна, Бактрия, Хоразм каби дастлабки давлатлар, Тошкент, Хива, Мароканд (Самарқанд), Кирополь (ҳозирги Ўратепа) ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган.

“АВЕСТО” - Овасто (парфиёнча: *apastak* — матн; кўпинча «Зенд-Авесто», яъни «тафсир қилинган матн» деб аталади) — зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Авесто Ўрта Осиеда, хусусан Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Авестода келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди.

«Авестода» акс этган асосий фалсафий фикрлар, ғоялар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Зардушт номи билан боғлиқ Унинг номига нисбатан дин ҳам шундай ном билан, яъни зардуштийлик деб аталади. Зардуштийлик динининг қонун -қоидалари «Авестода» баён этилган. Манбаларнинг кўрсатишича, «Авесто» ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган экан.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай дейилган: «Доро ибн Доро хазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар



оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун «Авестонинг» бешдан уч қисми йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз наск (қисм) эди. Мажусийлар қўлида ўн икки қисм қолди.»

«Авесто»да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжоннинг тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, наботати, илм-фани ўз аксини топган.

Ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авестода» қаттиқ қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-иқром каби одамлар ўртасида устувор бўладиган ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто»да одамларни иймонли бўлишга, доимо пок-покиза юришга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, Ҳайр билан Шарр (яхшилик ва ёмонлик) ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Аҳурамазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати барқарор бўлади, ўлганлар тирилади. Авестонинг ахлоқий-фалсафий моҳияти «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал» каби муқаддас учлик (ахлоқий триада) да ўз ифодасини топади. Зардуштийларнинг ибодат олдидан айтиладиган нияти, сўзлари шу уч ибора билан бошланади.

Авесто ўзбек, умуман Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини



Ўрганишда муҳим ва ягона манба. «Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир»

(И. Каримов, «Адолатли жамият сари». Т., 1998.).

Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессияси «Авесто» яратилганининг 2700 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди (1999 й. нояб.).

«Авесто»да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Марказий Осиё, Эрон ва Озарбайжоннинг тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, наботати, илм-фани ўз аксини топган.

Ғаразғўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авестода» каттик қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-иқром каби одамлар ўртасида устувор бўладиган ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто»да одамларни иймонли бўлишга, доимо пок-покиза юришга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечишга ноҳўя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

Зардуштийлик динига амал қилган Марказий Осиёдаги қабилалар сувга ва оловга сажда қилганлар. Хоразмда, Самарқандда олиб борилган қазишмалар натижасида Марказий осие халқларининг Қуёш худоси ҳисобланган Митрага, ер, сув унумдорлик худоси Анахитага сиғинганликларини исботлайдиган буюмлар топилган.

“АВЕСТО”ДАН НАМУНАЛАР:



Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги(таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввало ўқишни ва сшнгра ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

Болалар ёш пайтаданоқ дарахт кўчати ўтқазиб, уй-рўзғор қуроллари ясаб, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт.

Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим.

Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида , ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатан ҳам ҳам сенинг ёнинигдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак!

Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у имонни озиклантириб туради.

Яхшилик таълимини ва садоқатини амалга ошириб.... яхши ҳокимлар ҳукм юритаверсинлар. Одамларга ва уларнинг авлодларига бахт-саодат келтирадиган таълимни амалга оширсинлар.

Эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишлар билан эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб ишни алқайман. Ўзимни бари эзгу ўйларга, эзгу сўзлар айтишга, яхшилик ишлар амалига бахшида қиламан, барча ёмон ўйлардан, ёмон сўзу ёмон ишлардан юз ўгираман.

Хулоса ўрнида:

Авлоду аждодларимизнинг ҳаёти, урф-одатлари ва анъаналари, маданияти, тили ва тарихини бадий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар,



афсоналар, қаҳрамонлар тўғрисидаги дostonлар, тўй-сайлларда, халқ йиғинларида, байрамларида, сафарларда айтилган қўшиқ ва лапарлар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар халқ оғзаки ижодиёти маданиятининг узoқ тарихга эга бўлган соҳаларидир. Уларнинг ижодкори барча моддий ва маънавий бойликларни яратган халқ оммасидир.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. У. Жўраев, Й. Саиджонов: “Дунё динлари тарихи”. Тошкент, 1998й.
2. Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий руҳий тикланиш. Т.: Янги аср авлоди. 2003й.
3. Назаров Қ. Маънавий кадриятлар ва инсон кадри. Т.: Ма’навият, 2011.
4. Ўзбек педагогикаси Антологияси. Т.: “Ўқитувчи”, 1995й.